



Кун нафаси

# Ishonch

2022 йил  
14 июль  
пайшанба  
№ 86 (4682)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи билан Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов 14-15 июль кунлари давлат ташири билан мамлакатимизда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 июль куни Эрон Ислам Республикаси Исламий Кенгаш Мажлиси раиси Муҳаммад Бағир Қолибوف бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги вазиятнинг барқарорлашгани ва ҳудуд аҳолисининг одатдаги ҳаёт тартибига қайтаётганини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қорақалпоғистон ҳудудида жорий этилган фавқулодда ҳолат режими юмшатиш, яъни комендантлик соатининг амал қилиш вақтини «соат 21 дан соат 7 га қадар» ўрнига «соат 23 дан соат 5 га қадар» этиб белгилаш қарор қилинди.

Қорақалпоғистонда фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги 2022 йил 2 июлдаги Президент фармонига тегишли ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги фармон давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди ва Олий Мажлис палаталарига тасдиқлаш учун йўланди.

БМТ Бош Ассамблеяси 2022 йил 11 июль куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга қаратилган навбатдаги халқаро ташаббусини қўллаб-қувватлади.



Тошкентда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро Кенгашнинг 61-йиғилиши ўтказилди.



Туркменистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Б.Атдаев бошчилигидаги делегация Бухоро шаҳридаги бир қатор йирик корхоналар фаолияти билан яқиндан танишди.



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Референдумга тайёргарлик юзасидан қатор низоғлар тасдиқланди.

Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдуразоқов мамлакатимизга амалий ташири билан келган Австриянинг «AME International» компанияси директори Хайнц Мессингер билан учрашди.

Польша Республикаси ИИВ Чегара хизмати Бош комендатураси чет эл фуқаролари бўйича бошқарма директори, майор Павел Холленко бошчилигидаги делегация юртимизга қилган амалий ташири доирасида Бухоро вилоятида ҳам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ипақчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасида Германиянинг «Giesecke & Devrient Currency Technology» компанияси вице-президентлари Александр Иоганн Шюкс ва Аркадий Борисович Ноткин билан ўзбек ипагини ўз қимматли қоғоз ва банкноталарида ишлатиш таклифи юзасидан мулоқот бўлиб ўтди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Келгуси сонларда ўқинг...



Қалбингизни гўзалликка тўлдириш



Тараққиёт кўчасига тараққиёт қачон келади?

## Аёллари қадрланган юрт



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалиётга татбиқ этилган ҳаётбахш ҳаракат – «Аёллар дафтари» тизимининг 3-босқичи доирасида амалга оширилаётган ишлар янада қизғин босқичга кирди. Бу жараёнда «Бирор бир эҳтиёжманд хотин-қиз амалий ёрдамдан четда қолмаслиги керак» деган тамойил муҳим мезонга айланган.



Наманган вилояти

Ўзги соғломлаштириш

## Ҳар кун гўзал таассуротларга бой

Ҳозирги вақтда Наманган вилоятида саккизта оромгоҳ мавжуд бўлиб, улар мавсум давомида саккиз минг нафарга яқин болажонга хизмат кўрсатади. Шў кунларда учинчи навбат ҳам бошланди ва барча оромгоҳлар болажонларни ўз бағрига чорламоқда.

Чуст туманидаги бетакрор табиат кўйида жойлашган «Баркамол авлод» оромгоҳи ҳам айни вақтда гавжум. Масканга қадам кўяр экансиз, беғубор болалик онларининг гўзал таассуротларига ошно бўласиз.

Мазкур масканда ўқувчиларнинг мароқли ва мазмунли дам олишлари учун ўнга яқин тўғарақ фаолияти йўлга қўйилган.

– Мен ушбу оромгоҳга келганимдан жуда ҳам мамнунман, – дейди Сарвинисо Алижоновна. – Бу ерда биз учун барча шароитлар муҳайё. Яна кўплаб дўстлар ҳам орттирдим.

Учинчи навбат бошланиши муносабати билан оромгоҳда болажонлар учун бир қатор тадбирлар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи Ватанпарвар ташкилотининг Чуст тумани ўқув-техник клуби уюштирган кўрғазмали намойиш барча дам олувчи ёшларга манзур бўлди. Унда, айниқса, авиамоделчи ўқувчилар ясаган ракета макетларининг самога учурилиши болажонларга олам-



олам завқ улашди.

Шунингдек, оромгоҳда «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» шиори остида Миллий гвардиянинг Наманган вилояти бўйича бошқармаси мударатли ҳарбий хизматчилари кўрғазмали қўл жанги усулларини ҳам намойиш этишди.

– Ўзда болажонларни дам олдириш учун тўртта навбат режалаштирилган ва ҳар бири ўн икки кун давом этади, – дейди оромгоҳ раҳбари Фурқатжон Ҳакимов. – Болажонлар ана шу ўн икки куннинг ҳар бир кунини таассуротларга бой

тарзда ўтказиши учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Айниқса, турли фан ҳамда спорт тўғарақлари устозларининг жонқуярлик билан ишлагани алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Орзуғул РУСТАМОВА,  
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

Касаба уюшмалари аралашгач...

Илҳомжон Ботиров 2020 йилдан буён «Фарғона сув таъминоти» МЧЖнинг Марғилон шаҳар филиали мижозлар бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган эди. Бироқ корхона раҳбарининг 2022 йил 11 апрелдаги 257-К сонли буйруғига мувофиқ у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 3-бандига асосан бекор қилинди.

## Ботировни нега ишдан бўшатишган эди?

Ишдан бўшатишганидан норози бўлган Илҳомжон Ботиров Ўзбекистон касаба

уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига ҳуқуқларини тиклашда кўмак сўраб, мурожаат қилди.

Ўрганишлар давомида Илҳомжон Ботировни ишдан бўшатиш тўғрисида чиқарилган буйруқ амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларига зидлиги аниқланди.

Шундан сўнг касаба уюшмалари томонидан «Фарғона сув таъминоти» МЧЖ раҳбари номига Илҳомжон Ботировни

ишга тиклаш бўйича тақдимнома киритилди. Бироқ жамият директори тақдимномага рад жавобини берди.

Иш судгача борди. Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, И. Ботировни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ ноқонуний деб топилди, ходим ўз ишига тикланди. Шу билан бирга, мажбурий проғул вақти учун тўланмаган иш ҳақи ҳам ундириб берилди.

Мансуржон УСМОНОВ,  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Фарғона вилояти бўйича ҳуқуқ инспектори



Ҳуқуқ

## «Ёддан чиққан» хат

Жасурбек Абдураҳмонов «Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖнинг Гулистон шаҳар электр таъминоти бўлимида 2018 йилдан буён ишлаб келаётган эди. Аммо иш берувчининг жорий йил 8 июндаги 35-сонли буйруғига кўра, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Ходимнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашига қилган арзи эътиборсиз қолдирилмади.

Ўрганишлар жараёнида Ж.Абдураҳмонов 2022 йил 16 май санасида бошлаб сабабсиз ишга келмагани важи билан 8 июнда Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 4-бандига асосан ишдан бўшатишга оидинлашди. Ваҳоланки, ходим 30 майдан то 25 июнгача ўқишда бўлишини асословчи ҳужжатни 2022 йил 1 июнда кадрлар бўлимига топширган. Негадир ушбу хат орадан олти кун ўтган, яъни 7 июнда рўйхатга олинган.

Касаба уюшмаси ходимнинг ҳуқуқини

ёхуд ўқув таъғилидаги ноқонуний буйруқ

ҳимоя қилиб, иш берувчи номига тақдимнома киритди. Мурожаат қаноатлантирилди. Ноқонуний буйруқ бекор қилиниб, Ж.Абдураҳмоновга ўқиш таътили расмийлаштирилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,  
«ISHONCH»



Таҳлил

## ХАВФСИЗ ВА КАФОЛАТЛИ МЕХНАТ – ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Қурилиш – меҳнат талаблари ва меъёрлари оқсаётган тармоқлардан бири. Чунки бу соҳа ходимларини ўқитиш, меҳнат, техника хавфсизлиги доирасидаги билимларини ошириш кўрсаткичлари анча паст. Аслида эса уларнинг ҳар бири хавфсизлик ва эҳтиёт чораларидан тўла-тўқис хабардор бўлишлари шарт.



Ижтимоий меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссиясининг Самарқандда бўлиб ўтган «Муносиб меҳнат шароитларини яратиш – иш берувчининг бурчи» мавзусидаги галдаги семинари ана шу мавзуга бағишланди. Унда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси мутасаддилари, қурилиш ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. Тадбирда ижтимоий шериклик асосида фаолият юритаётган ташкилотлар вакиллари ҳам сўзга чиқиб, бунёдкорлик корхоналарида муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлиliga эътибор қаратдилар, шунингдек, комиссиянинг айна соҳадаги ҳамкорлиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар айнан инсон омиллини кучайтиришига, унинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда, – дея таъкидлади Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев. – Ходимлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш, меҳнатнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўналишларида давлатимиз томонидан кўрилатган чора-тадбирлар аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараён жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш йўлида изчил давом эттирилаётган тизимли ишларнинг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда.

Ходимларнинг меҳнати, ҳаёти ва соғлиғи муҳофазаси касба уюшмалари фаолиятининг устувор вазифаларидан саналади. Бу борада Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2020-2022 йиллар учун мўлжалланган Бош келишув нафақат қурилиш, балки бошқа соҳаларда фаолият юритаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат ҳуқуқлари билан бир қаторда, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш ва иш ўринлари хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Бугунги кунда касба уюшмалари корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши устидан жамоат назоратини ўрнатиш борасида ҳам талай ибратли ишларга қўл уришмоқда. Натيجида жамоа шартномаларига киритилаётган меҳнат муҳофазасига оид меъёрлар салмоғи йил сайин ортиб бормоқда.

Вилоят бандлик бошқармаси билан ҳамкорликда ўтган йили худудимиздаги ўндан ортиқ қурилиш ташкилотларида меҳнат-техника хавфсизлигига риоя қилиш ҳолати ўрганиб чиқилди, – дейди Федерациянинг Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори Усмон Каримов. – Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъулларга зарур кўрсатмалар берилди.

Вилоятдаги 3029 та қурилиш ташкилотининг барчасида ҳам техника хавфсизлиги талаб даражасида деб бўлмади. Аксариятда фуқароларни норасмий равишда ишга ҳолатлари ҳамон давом этмоқда. Бултур уларда меҳнат қилаётган 33 нафар киши ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисага учраган. Энг ачинарлиси, уларнинг орасида ҳалок бўлганлари ҳам бор.

Семинарда «AGROMIR BUILDINGS» МЧЖ, «Enter Engineering Pte.Ltd» компанияси вакиллари қурилишда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими, меҳнат хавфсизлиги ҳолати хусусида сўз юритдилар. Бундан ташқари, анжуман доирасида тадбиркорлар томонидан тикланган ва бинокорлар учун мўлжалланган махсус кийим-кечак, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари кўргазмаси уюштирилди. Меҳнат муҳофазасини намунали ташкил этган қурилиш корхоналарига эса Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссиясининг ташакурномалари топширилди.

Ориф МИЗОМОВ,

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши етакчи мутахассиси



Қашқадарё вилояти

Асосий қонунимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конституциявий қонун лойиҳаси жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинмоқда.

Жойларда ўтаётган муҳокама ва тарғибот жараёнларида билдирилаётган фикрлар хилма-хил. Китоб тумани «Баркамол авлод» марказида бўлиб ўтган тадбирда худуддаги бошланғич касба уюшма ташкилотлари етакчилари фаол қатнашди. Турли таклифлар илгари сурилди.

Хусусан, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Китоб тумани кенгаши раиси Баҳриддин Эгамбердиев Конституциянинг 41-моддасидаги «Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади..» деган жумладан сўнг «Бошланғич таълимда хусусий мулкчиликка йўл қўйилмайди» жумласини қўшишни таклиф этди.

Китоб тумани тиббиёт бирлашмаси касба уюшма қўмитаси раиси Аҳмаджон Абдусаматов эса 16-модда юзасидан фикр юритиб, унга «Ушбу Конституциянинг бирорта қондаси инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ ва манфаатларига, ушбу Конституциянинг биринчи бўлимида назарда тутилган асосий принципларга ва қондаларга зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас» деган таклифни билдириб ўтди.

Шунингдек, Шаҳрисабз туманида бўлиб ўтган тарғибот тадбирлари чоғида Таълим ва фан ходимлари касба



Наманган вилояти

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши ҳам тизимдаги бошланғич касба уюшма ташкилотларида «Менинг Конституциям – менинг келажгим!» шiori остида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича маърифий-сиёсий тадбирлар, муҳокама йиғилишларини ўтказди.

Конституция лойиҳаси бўйича бизга келиб тушган барча таклифлар вилоят штабига юборилди, – дейди Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси Акмалхон Умаров. – Тасарруфдаги 100 га яқин бошланғич касба уюшма ташкилотларида юқоридаги каби йиғилишлар ўтказилди ва



Сурхондарё вилояти

## Очиқлик сиёсатининг амалдаги намунаси

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раҳбарлари жойлардаги бошланғич ташкилотлар вакиллари, тизимда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлар, хотин-қизлар ва ёшлар билан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган учрашувлар ўтказмоқда.

Кенгаш раиси Абдукарим Аҳмедовнинг туман қўмиталари, олис ва чекка худудлардаги бошланғич касба уюшма ташкилотларида ташкил этаётган очиқ мулоқотлари «Конституциявий ислохотлар – касба уюшмалари нигоҳида» мавзусига бағишланмоқда.

Яқинда Сарийосе туманида бўлиб ўтган ана шу мавзудаги мулоқотда тумандаги барча касба уюшма етакчилари, фахрий ва ёшлар ҳамда фаол хотин-қизлар вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар тубдан ўзгараётган турмушимизга хос Бош Қомусимизнинг ўзгариши ҳам ҳаёт талаби эканини алоҳида таъкидладилар.

– Янгиланаётган Конституция ижодкорлари оддий халқимиз эканига ишончим комил, – дейди Сарийосе

## Адолат, бирлик ва шаффофлик билан



муҳокама

лишга қонун олдида жавобгардирлар» деган қўшимча билан мустақамлаш таклиф этилди. Косон тумани тиббиёт бирлашмаси касба уюшма қўмитаси раиси Шоймурод Эргашев эса муҳокамалар жараёнида Конституциянинг 22-моддасини янада тўлдириш таклифи билан чиқди. Бунда у «Давлат хорижда яшаётган фуқаролар ва ватандошлар билан алоқаларнинг сақланиб қолиши ҳамда ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилади» деган қўшимчани қўшишни таклиф этди.

Инсон қадрини улуғлаб, фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечирishi давлат сиёсати даражасига кўтарилган диёришда бу каби инсонпарвар қонун лойиҳасини кўпчилик ватандошларимиз қўллаб-қувватлаяпти.

Акмал АБДИЕВ,  
«ISHONCH»



## Менинг Конституциям – менинг келажгим

бунда 7 минга яқин сафдошимиз иштирок этди.

Жойларда ташкил этилган тадбирларда иштирокчилар томонидан таълим-тарбия иши, мактабдан ташқари фарзанд тарбиясига ота-она жавобгарлигини кучайтириш, ажримларнинг олдини олиш, бу борада ота мажбуриятини ошириш, ёки фарзанд келажиги учун таъминот масалалари, ўқитувчиларга имтиёзлар бериш, мактаб ўқувчиларининг маданияти, никоҳ ёшини қайта

кўриб чиқиш каби масалалар доирасида таклифлар берилди.

Жойларда ўтказилган тадбирларда ёш ходимлар ўртасида Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти, унда инсон қадрини ҳуқуқларининг ҳимояси, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини тўла таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Орзуғул РУСТАМОВА,  
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

Тадбир

## Халқ хоҳиши – иродаси

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашида тармоқ касба уюшма раислари, корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич касба уюшма қўмитаси етакчилари иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда янгиланаётган Конституцияни такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Бош қонунимизга фуқароларимизнинг хоҳиш-иродаси, таклиф ва фикрларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш киритилаётгани ва бу Конституциямиз янаям мукамал бўлишига хизмат қилаётгани таъкидланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,  
«ISHONCH»



Хоразм вилояти

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шавкат Сафарбоев жойларда бўлиб, Бош қонунимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида маълумотлар бермоқда.

Тарғибот

## Инсон манфаатлари барча нарсдан устун



Хонқа тумани «Ширин» маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла аҳли ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ва аъзолари иштирокида «Бош Қомусимизни бугунги реал воқеликка мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустақам ҳуқуқий пойдевордир» мавзусида ташкил қилинган тадбирда масъул ташкилотчи Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар референдум ўтказиш йўли билан киритилиши, референдумнинг бошқа сайловлардан фарқи ҳақида ҳам тушунтириш берди.

– Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар илгари ҳам киритилган, – деди масъул ташкилотчи. – Бироқ мамлакатимиз тарихида илк бор Конституцияга ўзгартишлар киритишда бутун халқимиз иштирок этмоқда. Бу Янги Ўзбекистонда инсон манфаатлари барча нарсдан устун эканлиги, демократик қадриятлар устуворлигининг ёрқин далилидир.

Муҳаббат Тўрабоева,  
«ISHONCH»

Мулоқот



# Ўзбекистон – Европа Иттифоқи: ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙИЛДИ

Шарҳ

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Европа Иттифоқи билан алоқалар алоҳида ўрин тутди. Эътиборлиси, сўнги йилларда савдо-иқтисодий, инновацион, илмий-техник ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Ўтган ҳафтада мамлакатимизнинг ЕИ билан муносабатларига оид бир қатор муҳим воқеалар кузатилди, экспертларнинг фикрича, бу икки томонлама шерикликда янги давр бошланаётганидан дарак беради. Келинг, ана шу воқеалар мисолида Европа Иттифоқи билан алоқаларимизнинг айрим жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтсак.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 4 июль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель билан телефон орқали мулоқот қилди. Унда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг тайёрлигини яқинида етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

«Преференциялар бош тизими плюс» («GSP+») афзалликларидан фойдаланган ҳолда ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Ушбу мулоқотдан икки кун ўтиб, яъни 6 июль куни Брюссель шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (КШҲТБ) ни дастлабки имзолаш маросими ўтказилди. Бу қарийб уч йрим йил давом этган музокаралар ва ҳужжатни маромига етказиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг мубаффақиятли якунланганини англатади.

**Ўзбекистон «GSP+» тизимига қўшилган, Европага кимё саноати маҳсулотлари экспорти 6 баробарга ошган бўлса, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 90 фоизга, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 65 фоизга ортди. Умуман, 2022 йилнинг дастлабки 5 ойида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги товар айланмаси 22 фоизга, мамлакатимиздан Европа Иттифоқига экспорт ҳажми 86 фоизга ўсди.**

дан тартибга солиш, санитария ва фитосанитария чоралари, рақобат ва давлат корхоналарининг фаолияти, давлат харидлари, низоларни ҳал қилиш ва бошқа соҳалар билан боғлиқ қоидалардир.

Ўз навбатида, янги битим Жаҳон савдо ташкилотининг асосий қоидаларини қамраб олгани боис инвестициявий шериклик, товарлар, хизматлар ва интеллектуал мулк савдоси соҳаларидаги муносабатлар доираси сезиларли даражада кенгайтирилди. Қолаверса, КШҲТБ ташқи сиёсат, хавфсизлик, можароларнинг олдини олиш ва рискларни бошқариш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, бошпана бериш ва чегараларни бошқариш, ноқонуний миграция, уюшган жиноятчилик, коррупция ва терроризмга қарши курашиш каби соҳаларни ҳам назарда тутди. Бошқача айтганда, янги битим орқали Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кенг кўламли савдо-иқтисодий алоқаларнинг тўлақонли механизми яратилади.

Хўш, Европа Иттифоқи билан муносабатларимизнинг бундай кўлами, хусусан, КШҲТБ Ўзбекистон учун қандай имкониятлар тақдим этади, бу аҳолига нима бериши таъсис этилди. Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан айна йўналишда ишчилик ҳақидаги таҳлиллар асосида Миллий маърузачи институти таъсис этилди. Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан айна йўналишда ишчилик ҳақидаги таҳлиллар асосида Миллий маърузачи институти таъсис этилди. Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан айна йўналишда ишчилик ҳақидаги таҳлиллар асосида Миллий маърузачи институти таъсис этилди.

Ради, деган саволлар кўпчиликини қизиқтириши табиий. Юқорида санаб ўтганимиздек, ушбу келишув билан Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида 20 дан зиёд йўналишларда ҳамкорлик мустақамланади. Инвесторларнинг Ўзбекистонга бўлган ишончи ортади. Бу ишонч нафақат Европа Иттифоқидан, балки бошқа давлатлардан ҳам мамлакатимизга инвестиция оқими кучайишига туртки беради. Натижада ишлаб чиқариш ривожланади, янги иш ўринлари яратилади, оилаларнинг даромади ортади. Пировадидида иқтисодий барқарорлик мустақамланиб, аҳолининг турмуш тарзи янада яхшиланади.

Аслида мана шу ишонччи қозониш осон кечгани йўқ. Чунки мажбурий меҳнат, жумладан, болалар меҳнати туфайли, биласиз, 2009 йилда халқаро Нодавлат нотижорат ташкилотлари коалицияси – «Cotton Campaign» ҳамда «Adidas», «Zara», «C&A», «Gap Inc.», «H&M», «Levi Strauss & Co.», «Tesco» ва «Walmart» каби 331 та машҳур бренд ва ритейлер компаниялари Ўзбекистон пахтаси ва тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан бойкот эълон қилган эди. Натижада бу ишлаб чиқарувчиларимизга, умуман, Ўзбекистоннинг ташқи савдосига жуда катта салбий таъсир кўрсатди.

Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ мажбурий меҳнатга барҳам бериш орқали халқаро ишонччи қайтариш,



Ўзбекистон имижини тиклаш, пировадидида аҳоли манфаатларини таъминлашга жиддий эътибор қаратди. Юртбошимизнинг топшириқ ва кўрсатмалари асосида бу борада, биринчи навбатда, миллий қонуночиликни такомиллаштириш, институционал базани ривожлантириш, мониторинг ва тадқиқотлар олиб бориш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, 2019 – 2021 йиллар давомида ушбу йўналишда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Халқаро меҳнат ташкилотининг қатор конвенциялари ратификация қилинди, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат учун жиноий жавобгарлик чоралари кучайтирилди. Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий ҳамда ҳудудий комиссиялар ташкил қилинди, ушбу масалалар юзасидан Миллий маърузачи институти таъсис этилди.

2019 йилнинг февраль ойида бошланиб, 2022 йилнинг июнь ойида ниҳояланган бўлса, мана шу давр мобайнида 10 раунд музокаралар ҳамда 150 дан ортиқ учрашувлар бўлиб ўтди. Бунинг ортида жуда катта меҳнат турибди. Энг муҳими, бу Шавкат Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътибори ва мамлакатимизда яратилган янги тизимга нисбатан катта ишонч ифодасидир. Яъни Европа Иттифоқи Ўзбекистондаги ислохотларни фаол қўллаб-қувватлашда давом этишини билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг кучли сиёсий иродаси ҳамда мавжуд муаммоларга тизимли ёндашуви асосида кўрилган чоралар натижасида мамлакатимизда болалар меҳнатига ва мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилди. Бу халқаро ҳамжамият томонидан ҳам тан олинган эътироф этилди. Жумладан, шу йил март ойида Халқаро меҳнат ташкилоти Ўзбекистон 2021 йилги пахта етиштириш ҳамда йиғим-терим мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берганини маълум қилди. «Cotton Campaign» халқаро коалицияси Ўзбекистонни «қора рўйхатидан чиқариб, ўзбек пахтаси ва тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан бойкотни бекор қилди. Бу тарихий воқеа бўлди. Юртбошимиз жорий йил 11 март куни саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни янада кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видео-селектор йиғилишида «Cotton Campaign»нинг мазкур қарорига муносабат билдирар

экан, «Бу ҳам катта имконият, янги бозорлар, дегани», дея таъкидлади.

Ўзбекистонга «Преференциялар бош тизими плюс» бенефициари мақоми берилиши ҳам бевосита ана шу ислохотлар билан чамбарчас боғлиқ. «GSP+» тизимининг муҳимлиги шундаки, у маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун Европа Иттифоқи мамлакатлари бозорларига қулай шартларда кириш имконини беради. Бу ерда гап қарийб 500 миллион аҳоли яшайдиган ҳудуд бозори ҳақида кетмоқда. Яъни мазкур тизим доирасида мамлакатимиз 6 минг 200 турдаги маҳсулотларни божсиз экспорт қилиши мумкин.

Ўзбекистон «GSP+» тизимига қўшилган, Европага кимё саноати маҳсулотлари экспорти 6 баробарга ошган бўлса, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 90 фоизга, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 65 фоизга ортди. Умуман, 2022 йилнинг дастлабки 5 ойида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги товар айланмаси 22 фоизга, мамлакатимиздан Европа Иттифоқига экспорт ҳажми 86 фоизга ўсди.

Демак, «Преференциялар бош тизими плюс» бенефициари мақоми республикамизнинг Евроиттифоқ давлатлари билан ўзаро манфаатли савдо муносабатлари жадал сурьятларда ривожланишига катта туртки бермоқда.

Шубҳа йўқки, Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим Ўзбекистоннинг кўп томонлама савдо тизимига янада интеграциялашувга ёрдам беради, бозор иқтисодиёти механизмларини мустақамлайди, хоржий инвесторлар ва ишбилармон доираларнинг мамлакатга бўлган ишончи ва қизиқишини янада оширади, қолаверса, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо соҳасидаги ҳамкорлик учун янги имкониятлар эшигини очади.



Шавкат ОРТИҚОВ,  
журналист

## Фарғона вилояти



## «Аёллар дафтари»ни varaқлаганда...

«Аёллар дафтари»нинг учинчи босқичида Бағдод туманидан 4 минг 713 нафар хотин-қиз ушбу дафтарга киритилди. Ўрганишлар асоси ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг ҳеч бири четда қолиб кетмаслигига алоҳида эътибор қаратилди.

## Кўзлар севинчдан намланди

Айни пайтда рўйхатдан жой олган хотин-қизларга аниқланган муаммолари бўйича кўмак кўрсатишда манзилли ишлар давом этмоқда.

Бағдод туманида қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзандлари бор ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги сабабли «Аёллар дафтари»га киритилган 250 нафар аёлнинг ҳар бирига 1 миллион 200 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам пуллари тарқатилди.

Қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандим бор, – дейди тумanning «Дўрмонча» МФЙда яшовчи Фотимахон Камолова. – Шукрки, давлатимиз ғамхўр. Мана,

яна моддий ёрдам беришди. Бундан ташқари, буғдой ва бир неча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини тақдим этишди. Эътибордан кўнглим тоғдай кўтарилди.

Шу куни учинчи босқичда «Аёллар дафтари»га киритилган 120 нафар хотин-қиз учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик уюштирилди. Уларга малакали мутахассислар тиббий маслаҳатлар бериб, 31 нафар хотин-қиз муолажаларга йўналтирилди.

Бугун шифокорларнинг чуқурлаштирилган тиббий кўригидан ўтдим, – дейди «Иттифоқ» маҳалласига яшовчи Зубайда Тўраева. – Даволанишим учун йўланма ажратилди.

Қолаверса, оилавий шароитимиздан келиб чиққан ҳолда моддий ёрдам пули берилди. Саломатлигимни тиклашим учун сиҳаттоғга йўланма ҳам топширишди. Бундай эътибордан ниҳоятда миннатдорман.

– Анчадан буён дард билан олишаман, – дейди Дилдора Турдиматова. – Шифохонага бориб, даволанай десам маблағ йўқ... Давлатимизнинг эътибори сабаб мана бугун бепул тиббий кўриқдан ўтдим. Шифокорларнинг тавсиясига кўра, ошқозон-ичак касалликлари бўйича туман тиббиёт бирлашмасида даволаниш учун йўланма берилди. Яна ёрдам пули ҳам...

Шунингдек, Бағдод тумани халқ таълими бўлими қошидаги психология маркази, тиббиёт бирлашмаси ва реабилитация маркази билан ҳамкорликда хотин-қизлар учун психологик тренинг ва суҳбатлар ташкил этилди.

Кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик аёлларнинг қалбини тўлқинлантирди, яноқларни севинч ёшлари намлади...



Жамшид ЭРГАШЕВ,  
«ISHONCH»

## Биласизми?



## САРАТОН тафтидан фойдаланинг

Юртимизда ёз. Саратон. Бундай вақтда ҳамма соя-салқин жой излаб қолади. Аслида иссиқдан қочиш эмас, унга «пешвоз чиқиш» керак. Яъни иссиқдан, қуёш тафтидан фойдаланиб қолиш зарур.

Айни саратонда соат 10:00 дан ўтиб ер қизийди. Ана шу қизиган ер (тупроқ, асфальт, йўлак)нинг соғлиққа фойдаси катта, фақат буни кўпчилик билмайди. Соатлаб ялангоёқ юрилса борми... Мутахассисларнинг фикрига кўра, ялангоёқ юрганда:

- томирлар эластиклиги ошади, бу варикознинг олдини олади;
- бармоқлар орасидаги турли тошмалар, касалликлар йўқолади;
- инфецияларни юқтириш хавфи кескин камаяди;
- тананинг терморегуляцияси ривожланади ва қишда оёқлар яхши исийди;
- оёқнинг шакли яхшиланади;
- пойабзалга ишқаланишдан келиб чиқадиган каллуслар пайдо бўлмайди;
- инсон организмидидаги турли касалликлар чекинади, йўқолади;
- ақлий фаолият ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ялангоёқ юриш – оёқ бўғимлари яллиғланишининг олдини олиш ва даволашда муҳим ўрин тутди. Оёқлардаги бўғимлар яллиғланганда суяк, лигамент, тендон ва мушак тўқималарида (артроз) бузилишлар пайдо бўлади. Оёқ бармоқлари артрози нуқулвай ва тор пойабзал кийиш орқали (айниқса, аёлларда) ривожланади. Касалликни даволашнинг энг самарали усулларидан бири пойабзалсиз юришдир. Бу организмдаги оксидланиш жараёнларини яхшилайди, тўқималарни кислород билан тўйинтиришга ҳисса қўшади, юрак хуружи, инсулт, гипертония ва бошқа юрак-қон томир касалликларининг олдини олади.

Илгари ота-боболаримиз ялангоёқ юришнинг фойдасини жуда яхши билишган ва шу сабабдан унча-бунчага оёқ кийим кийишмаган. Бугун-чи?

Кўпчилик сунъий қопламали йўлак ва майдончаларда оёқ кийимсиз сайр қилишни «одобсизлик» деб ҳисоблайди...

Маълумки, сайёрамиз манфий зарядланган ва ялангоёқ юрганимизда манфий электронларни сингдирамиз. Бу эса организм учун жуда фойдали.

Шуни унутмаслик керакки, ялангоёқ юришнинг қанда қилмайдиган одам доимо яхши кайфиятда ва соғлом бўлади. Биз учун муҳими шу эмасми?.. Демак, саратон тафтидан фойдаланиб қолишга шошиламиз.

Диёра РАВШАНОВА  
тайёрлади

## Эълонлар

Янгийўл туманидаги «REAL-N BIZNES» масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент юридик коллежи томонидан 2018 йилда Расулов Хожиакбар Баходирович номига берилган К № 5325924 (рўйхат рақами 557) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти томонидан 1972 йилда Шамаҳудова Муаззам Расуловна номига берилган Э № 163577 (рўйхат рақами 4115) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ томонидан 2018 йил 30 октябрда 001651-07 сонли реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган «HAMZA SAVDO» масъулияти чекланган жамиятининг устав жамғармаси 260 221 943 (икки юз олти миш миллион икки юз йигирма бир минг тўққиз юз қирқ уч) сўмдан 208 177 554 (икки юз саккиз миллион бир юз етмиш етти минг беш юз эллик тўрт) сўм 40 тийингача қайтарилади. Мурожаат учун телефон: +99891 134-25-27.

«IMKON-SUG'URTA» акциядорлик жамиятига тегишли бўлган 20204411, 20204419, 20204639, 20204640, 20204642, 20204643, 20204667, 20204688, 20204772 рақамли сўғурта полислари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**Қандай жамият ёки давлат бўлишидан қатъи назар, аввало, инсон қадр топса, ўзини эркин ҳис қилса, фаровон турмуш кечирса, ҳаётдан рози бўлиб яшаса, табиийки, у ерда тинчлик барқарор, тараққиёт бардавом бўлади.**

# Маънавий мерос – ангу хазина

Тафаккур қилсак, Парвардигор ўз ғўзаллиги эътирофи сифатида табиатни, ўз кудратининг тими соли сифатида инсонни яратганини англаймиз. Одамга ато этилган неъматлар аввалида унинг азизу мукаррамлиги туради. Чунки инсонга насиб бўлган ақлу тафаккур, иймон-этиқод, меҳру муҳаббат, илму ҳикмат, ҳаё-ибо ҳеч бир жонзотда йўқ. Шундан келиб чиқиб, ҳазрат Навоий инсонни шундай улуғлаган:

*Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳот,  
Нодуру олий асоси коинот.  
Барчасидан ашраф ул инсон эрур,  
То камолдан ҳирад ҳайрон эрур.*

Бу дунё ноз-неъматларини Яратган инсон учун бунёд этган, айна пайтда, улар она табиат маҳсули бўлиб яралган. Тараққиёт, бунёдкорлик эса ўша ақл-заковат ҳосиласидир. Шунинг учун ҳам тафаккур эгаларига бешиқдан қабргача илм излаш бурюлган.

Албатта, инсон бўлиб яшашнинг ўз қонуниятлари бор. Назаримда, ҳақиқат ва адолатга бўлган кучли интилиш, мазмунли ҳаёт орзу-истаги тафаккур ривожланган жамиятларда биринчи бўлиб шаклланган. Ҳалол ва пок яшаш учун, айна пайтда, ўзининг ишончли ҳимояси учун қонун шаклидаги ҳуқуқий асослар ихтиро қилинган, одамлар, жамият, давлат амал қиладиган, бўйсунадиган қонунлар ишлаб чиқилган. Шу маънода айтсак, қонун инсон қадрининг синмас, ёнмас қалқонидир.

Қонунчилик соҳасида катта тажриба тўплаган мамлакатлар эса вақти келиб, давлат ва халқнинг ҳуқуқий паспорти, қонуний ташриф қоғози бўлиши Конституцияни яратишга муваффақ бўлди. Бугун, ҳеч шубҳа йўқки, Бош қомус ҳар бир давлатнинг юксак юридик кучга эга бўлган асосий қонуни, барча жорий қонунларнинг пойдевори ҳисобланади.

Агар бир оз шоирона ҳаяжон билан ифода этсак, Конституциямиз – миллатимиз, халқимиз, давлатимиз қадр учун Қонун тимсолида қўйилган ҳайкал, янги тамаддун истиқболга ёқилаётган чироқ.

Дона халқимизда «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» деган пурмаъно нақл бор. Янги Ўзбекистонимизни янги имкониятлар оламига олиб чиқиш, ривожланган давлатлар сафига тенглар ичра тенг бўлиб, тараққиёт этиши учун Конституциямизга бир қатор ўзгаришлар киритишни даврини ўзи ҳам жиҳдий талаб этипти. Бу муҳим жараёни Президентимизнинг халқимиз бахт-саодати ва фаровон ҳаётини ўйлаб, ҳамиша ўз вақтида киритаётган хайрли ташаббусларининг мантиқий давоми деб баҳолаш, ўйлаш, тўғри бўлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан 20 июнь кунини Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтказилган учрашувда таъкидлаганидек, «Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси бўладиган янгиланаётган Конституциямизга таяниб, янги Ўзбекистонни албатта биргалликда барпо этамиз».

Зеро, биз мана шундай ўзгаришларга тайёр ва асосийси, янада яхши шароитларда яшашга муносиб халқимиз.

## Миллий урф-одатларимиз – миллий ўзигимиз

Биз миллат сифатида бир жиҳатимиз, яъни миллий урф-одатларимиз асоси, тамал тоши покликка қурилган, ҳалол ниятдан яралгани билан ҳар қанча фахрланасан арзийди. Шу боис мен янгиланаётган Конституциямизда миллий урф-одатларимиз ва маънавий меросимизни сақлаш бора-

сида олдимизда турган вазифаларга, миллат фарзанди сифатида бурчимизга ўз муносабатимни билдирмоқчиман.

Авалло шунини айтиш жоизки, урф-одат деганда, кундалик турмуш тарзимизга сингиб кетган, кези келганда, тақдорлиниб турадиган хатти-ҳаракат, аксарият аҳоли томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари тушунилади. Фақат бизнинг халқимизга, миллатимизгагина хос бўлган ғўзал ва бетакрор қадриятлар – миллий урф-одатларимиз қадимдан таркиб топган миллий аънава, одат, расм-русум, таомил, маросимларимиз силсиласида яшаб келаётир. Буюк халқларнинг азалий аънавасига айланган қолган ҳар бир маросим миллийлик қобигидан чиқиб, умуминсоний қадрият сифатида баҳоланади. Аслида ҳам бир одам ёки олим эзгу ниятда яратган маънавий, маърифий, илмий бойлик ўз-ўзидан умумбашар бойлигига айланади. Тили, дили, турмуш тарзи бир-бирини яқин бўлган қўшни халқларни бирлаштиради. Умумбашарий одатлар қардош миллатлар орасида бир-бирини боғловчи кўприкларни вужудга келтиради.

Албатта, бу маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаб, келажак авлодларга безавол етказиш ҳар биримизнинг ҳам инсоний, ҳам фарзандлик бурчимиздир. Аммо шунинг умуммаслики жоизки, замон шиддат билан илдамламоқда. Анқироғи, кеча янгидек ва долзарб бўлиб туолган бирор ихтиро ёки фикр бугун қарийб ўз аҳамиятини йўқотиб, янгиланиши, бутунлай такомиллашуви талаб қилмоқда. Биз давр билан ҳамнафас одимлашни истар эканмиз, бу омилни асло унутмаслигимиз лозим. Айнан шу жойда ҳаёт биздан, бобо-лар тили билан айтганда, «етти ўлчаб бир кесини» талаб қилади. Шошма-шошарлик билан, энгил-елли ўй-хаёлга бориб, қадимий урф-одатларимизни хаспўшлашимиз керак эмас. Аксинча, уни бугунги замон илму маърифати нурига йўғириб, барча давр ва умуминсоният учун заруратини англаб, келажак авлодларнинг қўлига ҳам, дилига ҳам, тилига ҳам тутмоғимиз зарур.

Зеро, миллий аънаваларимиз, қадрият ва урф-одатларимизга ҳурмат, Ватанга садоқат каби олжаноб туйғуларни шакллантириш, уларни «оммавий маданият» хуружларидан асраш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшаётган иқтидорли ва истеъдодли иҳодкорлар, ижтимоий фаол навқирон авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий баркамол шахс бўлиб вояга етишлари, жамиятда ўз ўринларини топишлари учун қўмаклашиш билан боғлиқ моддага зарурат бордек. Бунинг амалдаги исботини Президентимиз яқинда Ёшлар кунини муносабати билан сўзлаган нутқида ёрқин намоён этди. Янги Ўзбекистон ёшлари муҳтож бўлиб турган қайсики соҳа бор, бирортаси давлатимиз раҳбари назаридан четда қолмаган. У киши томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг қўлами шу даражада улуғвор.

Буларнинг эвазига Янги Ўзбекистон ёшларидан фақат бир нарса – астойдил ўқиб-излаиб, замонавий билимларни эгаллаш, қўлни-қўлга бериб, бир байроқ остида Янги Ўзбекистон кудратига – учинчи Ренессанс бунёдкорларига айлаш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш сўралапти.

## ДАХЛАТЛИК ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИ

Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон стратегияси» китобидаги «Маънавий тараққиёт» бўлими қуйидаги сатрлар билан бошланади: «Менинг назаримда, инсоният дунёсининг буюк бир ёриткичи – маънавият чироғи бор.

Бу чироқнинг бошқалардан фарқи шуки, у инсоннинг онги ва тафаккурини ёритади, қалби, виждонини уйғотади, одамийлик ҳиссини кучайтиради.

Ўзбекистоннинг янги уйғониш даврини яратишга киришган эканмиз, ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгида ана шундай маъна-

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ» КИТОБИДАГИ «МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ» БЎЛИМИ ҚУЙИДАГИ САТРАЛ БИЛАН БОШЛАНАДИ:

«МЕНИНГ НАЗАРИМДА, ИНСОНИАТ ДУНЁСИНИНГ БУЮК БИР ЁРИТКИЧИ – МАЪНАВИЯТ ЧИРОҒИ БОР.

БУ ЧИРОҚНИНГ БОШҚАЛАРДАН ФАРҚИ ШУКИ, У ИНСОННИНГ ОНГИ ВА ТАФАККУРИНИ ЁРИТАДИ, ҚАЛБИ, ВИЖДОНИНИ УЙҒОТАДИ, ОДАМИЙЛИК ҲИССИНИ КУЧАЙТИРАДИ.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ УЙҒОНИШ ДАВРИНИ ЯРАТИШГА КИРИШГАН ЭКАНМИЗ, ҲАР БИР ЮРТДОШИМИЗНИНГ ҚАЛБИ ВА ОНГИДА АНА ШУНДАЙ МАЪНАВИЯТ ШУЪЛАСИ ПОРЛАШИ ВА У БИЗНИ ЭЗГУ ИШЛАРГА УНДАБ, ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИ БИЛАН ЯШАШГА ДАВЪАТ ЭТИБ ТУРИШИ ЗАРУР».

вият шуъласи порлаши ва у бизни эзгу ишларга ундаб, юксак масъулият туйғуси билан яшашга даъват этиб туриши зарур».

Дарҳақиқат, масъулият туйғуси билан яшган инсон миллатнинг бойлиги, иймон-этиқодда мустақкам, маънан етук инсон тимсолидир. Шу ўринда айтиш лозимки, маънавий мерос – маънавий тараққиёт маҳсули, инсон ақл-заковати билан яралган тафаккур ёғдуси. Буюк аждодларимизнинг тафаккур ёғдуси бугун бутун оламга ва одамлар қалбига ўз нурини таратапти. Дилларни дилларга, элларни элларга маънавий риштаси ила боғлапти. Хушёрликка, бирдамликка чорлапти.

«Жаҳолатга қарши – маърифат» деган эзгу ғоя Конституцияимизнинг туб моҳиятида янада кенг-роқ акс этмоғи керак. «Янги Ўзбекистон стратегияси» китобида «Мамлакатимизнинг кейинги даврга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида албатта маънавий-маърифий ислохотларга алоҳида бўлим ажратилиши даркор, деб ҳисоблайман. Ўзбекистоннинг 2022 – 2032 йилларга мўлжалланган маънавий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиши ва уни давлат сиёсатининг таркибий қисмига айлантиришни талаб қилмоқда», дея бежиз таъкидланмаган.

Шунинг учун ҳам айна йўналишда миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни тиклаш, хусусан, буюк боболаримиз ва мутафаккирларимизнинг бой меросини теран ўрганиш, уларнинг қадимжоларини оёбод қилиш, тарихий обидаларини асраш ва келгуси авлодларга замонавий ташкирчан усулларда етказиш каби хайрли ишларни янада кенг-роқ микёсда амалга ошириш лозим. Буюк олимларимиз, ёзувчи ва шоирларимиз ҳаёти ҳамда илмий ва адабий меросини ўрганишга, ўргатишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Шуни умуммаслик жоизки, маънавий меросларимиз ёшлар таълим-тарбияси ёки миллат сифатидаги салоҳиятимизни эмас, балки халқимиз ҳавфсизлигини, тинчлигини мустаҳкамлаш ва ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, муроса ҳамда ўзаро англашув каби омиллар шаклланишига ҳам хизмат қилади.

Янгиланаётган Конституциямизда миллий урф-одатларимиз ва бой маънавий меросимизни сақлаш ҳақидаги модда борлигини инкор этмаган ҳолда, бир тақлиф киритмоқчиман. У ҳам бўлса, маънавий мерослар типига буюк ёзувчи ва шоирларимизнинг дастлабки машқларидан то камол касб этгунга қадар бўлган фаолиятига машъал тутган матбуот, яъни газета ва журналларни ҳамда бадиий ва илмий китобларни ҳам киритиш мумкин. Уларнинг ўрнини бутунлай электрон шакллар эгаллашадан, келгуси авлод китоб ва матбуотни фақат тарихий кўрсатувлар ҳамда музейларда кўришларидай аянчли ҳолатлардан сақлашни лозим. Бунинг учун янги Конституциямизга айнан матбуот ва китобларнинг тақдирини, эртанги ва ундан кейинги кунлари билан боғлиқ муҳим ва аниқ

модда киритиш лозим.

Шу ўринда яна Президентимизнинг Ёшлар кунига бағишланган тантанали анжумандаги фикрлари ёдимга тушади. Уларнинг қанчалар узоқни кўзлаб айтилган даъват эканини эътироф қилмасак, адолатдан бўлмас: «Ёшларнинг таълим олишига эътибор қаратиш билан бирга китобхонликни янада кучайтиришимиз зарур. Шу мақсадда маҳаллардаги ёшлар етакчилари ҳар бир кўча кесимида китобхонлик танловини, «Заковат» ва бошқа интеллектуал ўйинларни ўйлаш кўяди. Бундай танловлар ҳар ҳафтада – маҳалла кесимида, ҳар ойда – туман миқёсида ва ҳар чоракда

вилоят даражасида ўтказиб борилиши керак. Бу орқали 2 миллионга яқин ёшлар қамраб олинади.

Шу билан бирга, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳар бир мактаб кутубхонасига камидан мингтадан янги бадиий адабиётларни етказиб беради».

Мамнуният билан шунини айтиш керакки, Конституциямиз умуминсоний ғоялар – тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби қонуний асосларни ўзида мужассам этган ҳамда мавқеини бугун ҳам сақлаб келмоқда. Шунингдек, халқимиз фаровонлигини янада оширишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб ҳисобланган келиб чиқиб, қуйидаги тақлифларни ҳам бермоқчи эдим:

биринчиси, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган, аммо уни мустаҳкамлаш, аҳамиятини ошириш учун имло билан боғлиқ модда ёки банд киритиш;

иккинчиси, юртимизда Наврўз, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари каби умумхалқ байрамлари сирасига Тил байрамини ҳам киритиб, ҳатто дам олмиш кунини сифатида белгилаш;

учинчиси, миллий урф-одатларимизнинг қайта тикланиши ва муҳофаза қилинишида, шунингдек, маънавий меросимизни асраб-авайлаш, бойитиш ва халқимизга етказишда Бош қомусимизнинг ўрни бекиёс бўлмоғи зарур.

Мухтасар қилиб айтганда, нафақат буюк аждодларимиз, балки яқин ўтмишдаги ватандошларимизнинг ҳам етти ухлаб тушига кирмаган дориламон замонда яшаш бахти бизга насиб этиб турибди. Хур фикрли инсон учун нимаики зарур бўлса, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳада кундан кунга яхши имкониятларга эга бўлиб бораётишимиз. Биздан фақат бу кунларнинг қадрига етиш, барқарор тинчлигимизни янада мустаҳкамлаш, аҳиллик, бирдамлик, эртанги фаровон ҳаётимизни таъминлашда ўз ўрнини, ўз қадримиз билан яшаш, янгиланаётган Конституциямиздаги инсонпарвар ғояларга содиқ қолиш, бу жараёнда фаол иштирок этишимиз, ўз келажакимизга дахлдор илғор тақлифларни илгари суришимиз, ҳамиша уйғоқ ва сергак бўлмоғимиз сўралмоқда. Бу жиҳатдан давлатимиз позицияси бугунги демократик тамойилларга ҳам, умуминсоний тамойилларга ҳам тўла жавоб беришини айтиш жоиз. Дунё тарихида неча бор тамаддунларга доя бўлган маърифатпарвар миллатимиз бу залворли вазифани ҳам юксак даражада адо этишига шубҳамиз йўқ.



**Маҳмуд ТОИР,**  
Ўзбекистон халқ шоири,  
сенатор

Тақлиф ва мулоҳаза



ISSN 2010-5009  
2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
116-рақам билан  
рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ  
(тахрир хайъати раиси),  
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,  
Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акмал САИДОВ,  
Равшан БЕДИЛОВ,  
Қутлимурот СОБИРОВ,  
Сухроб РАФИҚОВ,  
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,  
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,  
Анвар ҚУЛМУРОДОВ  
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари).

Меҳридин ШУКУРОВ  
(Масъул котиб – «Ishonch»),  
Валентина МАРЦЕНЯК  
(Масъул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:  
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, тақдирли, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:  
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
Навоний вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилмиш шарт.  
Муаллифлар фикри тақририят нуқтаи назаридан фарқланмиш мумкин.

Навбатчи муҳаррир:  
С. Абдурахмонов

Мусаҳҳи:  
Д. Равшанова

Саҳифаловчи:  
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 23:10  
Топширилди – 23:20

Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ.  
Буюртма Г-706  
31641 нўсрада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба,  
пайшанба ва шанба кунлари чиқиди.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида chop этилди.

Қорхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ipoteka bank»  
Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959,  
СТИР: 201133889,  
ОКЭД: 58130